


Қирқдан ошган биродаримга!



09:30 / 15.03.2022 2874

Сизга айтар сўзларим бор эди. Бугун «Қирқдалигингизда, ёшлигингиз энди бошланаётганига ишонтаришнинг тўрт услуби» номли мақолага кўзим тушиб, энди айтмасам бўлмас, деб ўйлаб қолдим.

Мақолани ўқимадим, чунки номи айтиб турибди, ёш эканингизга ўзингизни ишонтаришингиз керак. Ишонтараман деб овора бўлманг, чунки энди ёшмассиз!

Чаккангиз ва соқолингиздаги оқлар қарилик, тўғрироғи, интиҳонгиз элчилари.

Билиниб қолган ажинлар ҳақида гапириб ўтирмай.

Отангиз, ё онангиз елкасига қўлингиз қўйиб тушган суратингиздаги мамнунлик алдамчи. Хаш-паш дегунча ўзингиз ҳам мункиллаб қоласиз.

Тан олинг, неча бор энди ҳаммаси яхши бўлади, деб бошлаган ишингиз баттар сизни муаммолар гирдобига итқитмоқда. Бола-чақа каттайиб, ташвишлар ҳам улфайганда, наҳот бу муаммолар филдираги бир хил айланаверишини, улар айланганда анча умрингизни ямлаб кетаётганини сезмаётган бўлсангиз? Сезасиз, фақат ёшингизга ярашмаётган кийимингиз ва қилиғингизни алмаштиргингиз келмаётгандек, уларни ҳам тан олгингиз

келмайди.

Аслида қирқ ёш, ҳаётга теран боқиш, тажрибалардан хулоса чиқариш ва ақл-фаросат тўлишиб, умр қолдиғининг ғаниматлигини кўра оладиган ёшдир.

Ҳаётнинг ҳар босқичи синов ва имтиҳон. Болаликда ўйин ўйнаш билан синаласиз. Ўйинни афзал биладими ё ибодатни дея. Йигитликда кучга мағрурлик ва бандлик билан имтиҳондан ўтасиз. Қариликда турли хасталиклар ибодатга имкон бермай қийналасиз.

Шунинг учун ақл тўлиб, қувват кетмаган бу ёшингизда энди бир тўхтанг.

Кўзингизни очинг, кимлар кетди, кимлар қолди. Кетганлар қаёққа, ким билан ва нима билан кетди. Буларни тўғри мулоҳаза қила оладиган ёшдасиз. Чунки киши қирқда охират бозорига киради. Бу бозордан тезроқ керакли нарсаларни харид қилиб қолиш лозим.

Абул Фатҳ Аздий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган асарда: «**Ким қирққа кириб, яхшилиги ёмонлигидан ошмаган бўлса, дўзахга тайёрланаверсин**», дейилади.

Қудсий асарларда келади: «**Бандам, ёшинг улғайди, белинг букчайди, кўзингнинг қуввати йўқ ва сочинг оқарди. Энди Мендан ҳаё қил, Мен сендан ҳаё қиламан!**»

Ҳа тенгдошим, энди ҳаё қилайлик!! Биз шундай ёшдамиз!

Мубашшир Аҳмад домланинг телеграм саҳифаларидан